

— Она! Нечунгина йиглайсан? Бугун саодатга эришдик, яна кайгурасанми? Бугун ўз тилагингга етишдинг, кўз ёшларингни тўкадирсанми?
Эмди кайгурмок чоги битди, йигламок палласи йўк бўлди, рохат кунларинг етишди, онам!

— Ох... ўглум, арслоним! Мустабид ҳукумат уйимни талатди: буюк биноларимни йикитди: суюкли ўглонларимни ўлдурди.

Тахаммул этдим, сабр килдим, кимсага бир огиз сўз бу тўғридан очмадим. Негаким, кўлларинда килич, ўмузларинда тўфанг, мани ўлдирмокка хозир эдилар. Дунёнинг мукофот эканлигин билган эдим.

Билар эдимки, бу золимлар бир кун килгон зулмларининг мукофотини кўрарлар.

Билардимки, тўкилган конларнинг хар бир томмасидан бирор арслон яратилуб бунларнинг конларини ичар-лар.

Кўзлари кўр, кулоклари кар бўлиб оналарини тонимайдилар, юрагимни тешадирлар, багримни парчалайдилар. ўзларини тар-бия килиб етиштирган оналарини йўк бўлувига сабаб бўлдилар.

ўйламас ўгилларим бутун бир кутимни ётларга талатиб, номусимни гайриларнинг оёғи остинда олдилар.

Бўйла оналарига душманликлари ўз бошларига етди, букун кўруб тўргон мукофот у килгон зулмларига карши эди.

Шу давлат, шу гурурларига маст бўлгон хоинларнинг касофати тегди. Бутун уйимни ёндирдилар, юрагимдан алангалар чига бошлади, буюк биноларим ёниб битди.

Гўзал-гўзал масжидларим кул бўлди. Золимга карши отилган тўплар маним том юрагимни тешди, у мустабидларга карши отилгон тўфанглар мани хавфга солди.

Нима килайин, ох, мингларча гунохсиз маълум ўглон-ларимни нохак ерда конлари тўкилди, канча оналар боласиз ва неча ўглонлар онасиз колди.

— Онажоним! Йиглама, душманлар махв бўлди, у мустабид кон ичувчилар битирилди. У мустабидлар кўлиндан очилгон яраларингни тузатмак учун дўктурлар хозирланиб, захмлар тузатилди.

Эмди йиглама. Санинг саодатингни чин кўнгулдан истаб юргон болаларинг холингни сўргали келдилар. Тур! Йигламок ўрнида бир оз кул.

— Ох, арслон ўглонларим! Эмди чин суюкли ўглонларимни кучогинда ётайин. Ох, мен сизни бу кунларим

учун етиштирган эдим. Маним эмканиб тарбия килгон чокларимни эсингиздан чикармайсиз.

Абдурауф Фитрат

«Бухоро ахбори» газетасининг 1920-йил 5-октабр сониди босилган.